

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САТТАРОВ ШОКИРЖОН ХАСАНОВИЧ**

**ТАРҚАЛГАН ЙИРИНГЛИ ПЕРИТОНИТ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ**  
**ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарканд-2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Саттаров Шокиржон Хасанович**

Тарқалган йирингли перитонит билан беморларни даволашнинг тактик  
ва техник жиҳатлари ..... 3

**Саттаров Шокиржон Хасанович**

Тактико-технические аспекты лечения больных с распространенным  
гнойным перитонитом ..... 25

**Sattarov Shokirjon Khasanovich**

Tactical and technical aspects of treating patients with diffuse purulent  
peritonitis ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of pulished works..... 52

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САТТАРОВ ШОКИРЖОН ХАСАНОВИЧ**

**ТАРҚАЛГАН ЙИРИНГЛИ ПЕРИТОНИТ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ**  
**ДАВОЛАШНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарканд-2026**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3073 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Рузибоев Санжар Абдусаломович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Мамараджабов Собиржон Эргашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент.  
**Сафоев Бақодур Барноевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:** **Бошқирдистон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.Н. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.В. Шмырина**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент

**З.Б. Курбаниязов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...дунёда йилига 1 миллиондан ортиқ одам кенг тарқалган йирингли перитонитдан азият чекади, 44-84% ҳолларда перитонитнинг сабаби деструктив аппендицитдир...»<sup>1</sup>. Кенг тарқалган перитонитни даволаш қорин бўшлиғи шошилинич жарроҳлигининг мураккаб ва ҳал қилиниши қийин бўлган муаммоларидан биридир. Тарқалган йирингли перитонит (ТЙП) мураккаб интраабдоминал инфекциянинг оғир кўриниши ва қорин бўшлиғи органларининг ўткир жарроҳлик касалликларининг ҳаёт учун хавfli асоратидир. Клиник тиббиётнинг барча ютуқларига қарамай, ушбу патология сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида пасайиш тенденциясисиз операциядан кейинги асоратлар ва ўлимнинг энг юқори кўрсаткичлари билан бирга келади. «...Тарқалган перитонит (ТП) билан операциядан кейинги ўлим даражаси 15,1-18% ни ташкил қилади ва септик шок ривожланиши билан ўлим даражаси 70-80%га етади...»<sup>2</sup>. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу хавfli касалликнинг олдини, даволашнинг такомиллаштирилган ва самарали янги чораларини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлади.

Жаҳон амалиётида касалликнинг оғирлик даражасини баҳолашнинг морфо-функционал мезонларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан: қорин сепсисининг паренхимал органлардаги морфофункционал ўзгаришларга таъсирини ўрганиш, уларнинг даражаси кичик бузилишлардан тортиб то қайтариб бўлмайдиган оқибатларга қадар. Мураккаб ҳимоя иммун реакциясини ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда, бунда қорин бўшлиғидаги яллиғланиш жараёни иммуномодуляцион молекулаларни ишлаб чиқариш орқали иммунитет тизимининг таъсирини минималлаштиради ва шу билан комплемент тизимининг фаолиятига халақит беради, оқ қон таначалари фаолиятини ўзгартиради ёки молекуляр мимикриялар ҳодисасидан фойдаланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»<sup>3</sup>. каби вазифалар белгиланган.

<sup>1</sup> Godefroy N. B. et al. Bacterial profile and antibiotic susceptibility patterns in patients with secondary peritonitis: a cross-sectional study in Uganda // Perioperative Medicine. – 2024. – Т. 13. – №. 1. – С. 62.

<sup>2</sup> Гараев М. Р. и др. Эндоваскулярная терапия в комплексном лечении распространенного гнойного перитонита // Креативная хирургия и онкология. – 2024. – Т. 14. – №. 1. – С. 36-41.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиёти маълумотларини танқидий таҳлил қилиш кенг тарқалган перитонит билан оғриган беморларни даволаш муаммосини ўрганиш муҳимлигини тасдиқлади, шу билан бирга, жарроҳлик аралашувдан фойдаланиш турини танлаш билан боғлиқ кўплаб муҳим, аммо ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлигини аниқлаш, замонавий сепсис-3 концепцияси доирасида перитонитнинг оғирлигини конвертация қилиш, объективлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун объектив мезонлар, оптимал тактик ёндашувни ва «дастур бўйича» тактикада қоринни вақтинча ёпиш усулини топишдир (Сikwanine J. P. В. ва бошқ. 2017).

Замонавий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ТЙП ни даволашда бир нечта йўналишлар мавжуд: анъанавий жарроҳлик аралашувлар, видеолапароскопик аралашувлар. "Бироқ, кенг тарқалган йирингли перитонит учун очик жарроҳлик аралашувлар кундалик амалиётда энг мақбул йўналиш бўлиб қолмоқда"(Chudáček J. ва бошқ. 2018).

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда ТЙП учун даволаш ва диагностика тактикаси замонавий соғлиқни сақлашнинг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, операциядан олдинги босқичда қорин бўшлиғига чиқадиган суюқликнинг табиатини баҳолаш ва касалликнинг агрессия белгиларини аниқлашга имкон берадиган ноинвазив бўлмаган тиббий тасвирлаш усулларининг ахборот таркибига қараб, ТЙП учун санитария аралашувларини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилади, шу муносабат билан, ҳар бир алоҳида ҳолатда жарроҳлик даволашнинг энг тўлиқ тактикасини танлаш учун диагностика алгоритмининг оптималлаштириш айниқса долзарб бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати

№012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қорин бўшлиғи сепсиси даражасига қараб даволанишни танлашга табақалаштирилган ёндашув асосида кенг тарқалган йирингли перитонитни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарқалган йирингли перитонитларда 0,03% ли гипохлорит натрий эритмасининг қорин бўшлиғига узоқ муддатли умумий ишлов бериш самарадорлигини тажрибада ўрганиш;

тарқалган йирингли перитонит билан беморларнинг қорин бўшлиғи санациясида 0,03% гипохлорит натрий эритмасини қўллаш самарадорлигини ўрганиш.

тарқалган йирингли перитонит билан касалланган беморларда эндотоксикозни коррекциялаш дастурига озонланган гипохлорит натрий эритмасини киритиш самарасини беморлар аҳволининг оғирлик кўрсаткичлари (APACHE II и SOFA шкалалари) динамикаси ва эндоген интоксикация синдроми маркерлари (ИЛИ, ЎММ, СРО) даражалари бўйича баҳолаш;

тадқиқотдаги беморларда абдоминал сепсис даражасига қараб тарқалган йирингли перитонитни даволашда янгича самарали дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали (РШТЎИМ СФ) жарроҳлик бўлимида 2015-2024 йилларда даволанган 276 нафар тарқалган йирингли перитонит билан касалланган беморлар олинган. Экспериментал ва морфологик тадқиқотлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг гистология кафедраси базасида ўтказилди.

**Тадқиқотнинг предмети** кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни жарроҳлик ёндашувини танлашга дифференциал ёндашув, қорин бўшлиғини санация қилишнинг махсус усуллари қўллаш, шунингдек, гипохлорит натрий эритмаси таъсири фонида тажриба учун олинган ҳайвонларнинг париетал қорин пардасини морфологик текшириш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий клиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, нур билан текшириш усуллари), морфологик ва статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қорин пардасига турли концентрацияли гипохлорит натрий эритмаси билан узоқ муддат давомида ишлов берилгандаги морфологик ўзгаришларининг экспериментал тадқиқотлар асосида 0,03% ли гипохлорит натрий эритмаси уч соатлик таъсир давомида нормал ва яллиғланган қорин пардаси тузилишида патологик ўзгаришларни келтириб чиқармаслиги аниқланган;

кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларнинг қон зардоби ва перитонеал соҳа суюқлигида эндоген захарланишнинг лаборатория кўрсаткичларини ўрганиш орқали гипохлорит натрийнинг озонланган эритмаси

билан даволаш самарадорлиги негизда кенг тарқалган йирингли перитонитда эндотоксикоз оғирлигини бартараф этиш алгоритми ишлаб чиқилган;

гипохлорит натрийнинг озонланган эритмасини левомикол суртмаси билан аралаштиришда антисептикнинг иммобилизацияси содир бўлиб, суртманинг битишмага қарши фаоллиги сақланган ҳолда унинг микробларга қарши таъсири узайиши аниқланган;

илк бор кенг тарқалган йирингли перитонитда лапаротомия ва видеолапароскопия орқали қорин бўшлиғини озонлаштирилган 0,03% натрий гипохлорит эритмасининг пульсацияланувчи оқими билан санация қилиш усули жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаб, операциядан кейинги реабилитация муддатини қисқартириши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларда озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасини интраперитонеал ва вена ичига юборишнинг эндотоксикоз маркерлари (ИЛИ, ЎММ, СРО) даражасининг пасайиш даражасига таъсири баҳоланган, бу қорин ички қисми яллиғланиш ва эндоген интоксикация синдромининг оғирлиги камайиши туфайли ижобий самара билан тасдиқланган;

левомикол суртмасида озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг иммобилланган шакллари тайёрлаш махсус ускуналарни талаб қилмайди ва ДПМ дорихона тармоғида осонгина амалга оширилиши мумкин;

кенг тарқалган йирингли перитонитда лапаротомия ва видеолапароскопик усуллар орқали қорин бўшлиғини озонлаштирилган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг пульсацияланувчи оқими билан санация қилиш амалиётини жорий этиш, жарроҳлик амалиёти натижаларини яхшилаш ва операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, ТҲП билан оғриган беморларни даволашда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга сезиларли ҳисса қўшади. Экспериментал тадқиқотлар асосида турли концентрацияли гипохлорит натрий эритмаси билан узок муддатли ишлов берилган қорин пардасининг морфологик ўзгаришлари таҳлил қилинди. Гипохлорит натрийнинг 0,03% ли эритмаси уч соатлик экспозицияда ҳам нормал, ҳам яллиғланган қорин пардасининг структурасида патологик ўзгаришларни чақирмаслиги аниқланди. Тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларнинг қон зардоби ва перитонеал экссудатда эндоген захарланишнинг лаборатория кўрсаткичларини ўрганиш бўйича гипохлорит натрийнинг

озонланган эритмаси билан даволашнинг таъсири баҳоланди. Олинган янги маълумотлар озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасини кенг тарқалган йирингли перитонитда эндотоксикоз оғирлигини коррекциялаш алгоритмига киритиш имконини беради, чунки бу лаборатория маркерлари (ЎММ, ИЛИ, СРО) даражасининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Гипохлорит натрийнинг озонланган эритмаси левомикол суртмаси билан аралаштирилганда, суртманинг битишмага қарши фаоллиги сақланган ҳолда, унинг микробларга қарши таъсирини узайтириш билан антисептикнинг иммобилизацияси содир бўлиши аниқланди. Лапаратомик ва видеолапароскопик санацияларда озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг пулсацияловчи оқимининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда келтирилган асосий хулоса ва тавсиялардан турли даражадаги тиббиёт муассасаларида тарқалган йирингли перитонит билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашда фойдаланиш мумкин. Тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларда озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасини интраперитонеал ва вена ичига юборишнинг эндотоксикоз маркерлари (ИЛИ, ЎММ, СРО) даражасининг пасайиш даражасига таъсири баҳоланди, бу интраабдоминал яллиғланишнинг камайиши ва эндоген заҳарланиш синдромининг оғирлиги туфайли ижобий самара билан тасдиқланади. Левомекол суртмасида озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг иммобилланган шакллари тайёрлаш махсус ускуналарни талаб қилмайди ва ДПМ дорихона тармоғида осонгина амалга оширилиши мумкин. Тарқалган йирингли перитонитда озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг пулсацияловчи оқими билан қорин бўшлиғини лапаротом ва видеолапароскопик ёндашув орқали санация қилиш амалиётига жорий этиш операция натижаларини яхшилаш ва операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тарқалган йирингли перитонит билан беморларни даволашнинг тактик ва техник жиҳатлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.05.2025 й. 17/41-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: қорин пардасига турли концентрацияли гипохлорит натрий эритмаси билан узоқ муддат давомида ишлов берилгандаги морфологик ўзгаришларининг экспериментал тадқиқотлар асосида 0,03% ли гипохлорит натрий эритмаси уч соатлик таъсир давомида нормал ва яллиғланган қорин пардаси тузилишида патологик ўзгаришларни келтириб чиқармаслиги аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (01.04.2025 й. №785 буйруғи) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.04.2025 й. №69-І/СН буйруғи) амалий фаолиятига жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларда озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасини интраперитонеал ва вена ичига юборишнинг эндотоксикоз маркерлари (ИЛИ,

ЎММ, СРО) даражасининг пасайиш даражасига таъсири баҳоланган. Иқтисодий самарадорлиги: 0,03% ли гипохлорит натрий эритмаси уч соатлик таъсир давомида нормал ва яллиғланган қорин пардасига таъсир механизми билан жарроҳлик амалиёти аралашуви доирасида беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 12-15 кун учун 3568450 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 946856 сўм сарфланади. Хулоса: қорин бўшлиғида уч соатлик экспозицияда 0,03% концентрациядаги гипохлорит натрий соғлом қорин бўшлиғида морфологик ўзгаришларни келтириб чиқармайди.

иккинчи илмий янгилик: кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларнинг қон зардоби ва перитонеал соҳа суюқлигида эндоген захарланишнинг лаборатория кўрсаткичларини ўрганиш орқали гипохлорит натрийнинг озонланган эритмаси билан даволаш самарадорлиги негизида кенг тарқалган йирингли перитонитда эндотоксикоз оғирлигини бартараф этиш алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (01.04.2025 й. №785 буйруғи) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.04.2025 й. №69-І/СН буйруғи) амалий фаолиятига жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: қорин ички қисми яллиғланиш ва эндоген интоксикация синдромининг оғирлиги камайиши туфайли ижобий самара билан тасдиқланган. Иқтисодий самарадорлиги: кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларнинг қон зардоби ва перитонеал соҳа суюқлигида эндоген захарланишнинг лаборатория кўрсаткичлари текшириш натижасида сарфланадиган бюджетдан ташқари маблағлар 1056400 сўмни ташкил этади. Хулоса: тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни комплекс даволаш дастурига озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасини киритиш APACHE II ва SOFA шкалалари кўрсаткичларининг сезиларли даражада тезроқ ( $p < 0,05$ ) меъёрлашувига, стандарт терапияга нисбатан ИЛИ, ЎММ ва СРО интоксикация маркерларининг икки баравар тезроқ нормаллашишига олиб келади. «Wisap» фирмасининг инсуффляторидан максимал 500 мл антисептикни қўллаш қорин бўшлиғини тўлиқ санация қилиш учун самарали бўлди, шунингдек, операция давомийлиги  $86,5 \pm 4,9$  дақиқадан  $62,4 \pm 2,9$  дақиқагача қисқарди ( $t$ -мезон = 4,23;  $p < 0,001$ ).

учинчи илмий янгилик: кенг тарқалган йирингли перитонитда лапаротомия ва видеолапароскопик усуллар орқали қорин бўшлиғини озонлаштирилган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг пульсацияланувчи оқими билан санация қилиш орқали жарроҳлик амалиёти натижаларини яхшилаш ва операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш имконини берган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (01.04.2025 й. №785 буйруғи) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.04.2025 й. №69-І/СН буйруғи) амалий фаолиятига жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: левомикол суртмасида озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг иммобилланган шакллари тайёрлаш махсус ускуналарни талаб қилмайди ва ДПМ дорихона тармоғида осонгина амалга оширилиши мумкин.

Иқтисодий самарадорлиги: левомикол суртмасида озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасини ишлатиш анъанавий дори воситаларини ишлатишдан кўра умумий ўртача 13540200 сўм иқтисод қилинади. Хулоса: озонланган 0,12% гипохлорит натрийнинг сувдаги эритмаси ва левомикол суртмасининг 1:3 нисбатда аралаштирилганда озонланган гипохлорит натрийнинг фаол концентрацияси 0,03% бўлган иммобилизацияланган шакли ҳосил бўлади, бу унинг қорин бўшлиғидаги таъсирини 3 соатгача узайтиради ва суртманинг битишмага қарши фаоллигини сақлаб қолади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор кенг тарқалган йирингли перитонитда лапаротомия ва видеолапароскопия орқали қорин бўшлиғини озонлаштирилган 0,03% натрий гипохлорит эритмасининг пульсацияланувчи оқими билан санация қилиш усули жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаб, операциядан кейинги реабилитация муддатини қисқартириши асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (01.04.2025 й. №785 буйруғи) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.04.2025 й. №69-І/СН буйруғи) амалий фаолиятига жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: кенг тарқалган йирингли перитонитда лапаротомия ва видеолапароскопик усуллар орқали қорин бўшлиғини озонлаштирилган 0,03% гипохлорит натрий эритмасининг пульсацияланувчи оқими билан санация қилиш амалиётини жорий этиш, жарроҳлик амалиёти натижаларини яхшилаш ва операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: лапаротомия ва видеолапароскопик усуллар орқали қорин бўшлиғини озонлаштирилган 0,03% гипохлорит натрий эритмасини қўллаш орқали даволаш натижасида реабилитация муддатларининг қисқариши, ҳаёт сифатининг яхшиланиши ва меҳнат фаолиятининг тикланиши туфайли йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 30% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: SIRS -0 ва SIRS беморларида қорин бўшлиғини санация қилиш учун озонланган 0,03% гипохлорит натрий эритмасидан фойдаланган ҳолда абдоминал сепсис даражасига қараб тарқалган йирингли перитонитни даволашни танлашга таклиф этилган дифференциал ёндашув натижаларини ўрганиш ва SIRS -1 ва SIRS -2 беморларида вена ичига олиб бориш умидбахш натижаларни кўрсатди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси маҳаллий ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий ахамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Абдоминал жарроҳлик инфекцияси муаммосининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган **биринчи бобда** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда тарқалган йирингли перитонит муаммосининг моҳияти, унинг этиопатогенези, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патология билан оғриган беморларни олиб боришнинг долзарб масалалари очиқ берилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳолати, абдоминал инфекция жарроҳлигида қўлланиладиган даволаш усуллари ва уларнинг қиёсий тавсифи келтирилган. Шунингдек, натрий гипохлорит эритмаси ва озонланган эритмаларнинг бактерицид таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар алоҳида тавсифланган. Замонавий адабиётларни таҳлил қилишда муаллиф қорин бўшлиғини санация қилиш усуллари қайта кўриб чиқиш, янада самарали антисептик эритмаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, оғир абдоминал сепсисда янада самарали инфузион эритмаларни ишлаб чиқиш зарур деган хулосага келди.

Диссертациянинг **иккинчи боби «Тадқиқот материалларининг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланади. Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2024 йиллар давомида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали (РШТЎИМ СФ) жарроҳлик бўлимига тарқалган йирингли перитонит билан мурожаат қилган 276 нафар беморнинг даволаш натижалари олинган. Беморлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинган: 2015-2019 йилларда 132 (47,8%) нафар бемор операция қилинган, улар таққослаш гуруҳини ташкил этган, уларга анъанавий даволаш усуллари, манбани бартараф этиш, антисептиклар билан қорин бўшлиғини санация қилиш ва қорин бўшлиғини очиқ ва лапароскопик усулда дренажлаш амалга оширилган. 2020-2024 йиллар давомида асосий гуруҳга киритилган 144 (52,2%) нафар бемор кузатувимиз остида бўлди. Перитонитнинг оғирлик даражасига қараб, асосий гуруҳдаги беморлар шартли равишда иккита кичик гуруҳга бўлинган. 1-кичик гуруҳни 78 нафар (144 нафар бемордан 54,2%) бемор ташкил этди, уларга антисептик сифатида қорин бўшлиғини ювиш мақсадида озонланган гипохлорит натрий эритмаси қўлланилди. 2-кичик гуруҳни 66 нафар (144 нафар бемордан 45,8%) бемор ташкил этди, ушбу кичик гуруҳда қорин бўшлиғи сепсисининг оғир шакли бўлган беморлар, қорин бўшлиғини озонланган гипохлорит натрий эритмаси билан санация қилишдан ташқари, гипохлорит натрийнинг озонланган эритмасини томир ичига юборишни ҳам талаб қилдилар.

Тарқалган йирингли перитонит ҳар хил сабаблар орқали келиб чиқади (1-жадвал). Беморларнинг иккала гуруҳида перитонитнинг энг кўп учрайдиган сабаби ўткир аппендицитнинг деструктив шакллари (38,8%) ва ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг перфоратив яраси (22,1%) бўлган. Операциядан олдин беморларнинг аҳволининг оғирлиги APACHE II, SOFA, шкаласи, перитонитнинг Мангейм индекси (ПМИ) ва қорин бўшлиғи сепсисининг оғирлиги бўйича аниқланди.

**1-жадвал.**

**Тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни APACHE II ва SOFA шкалалари бўйича операциядан олдинги текширув кўрсаткичлари**

Тадқиқот гуруҳлари	Кўрсаткич	Баллар			
		сепсис йўқ	сепсис	оғир сепсис	септик шок
	APACHE II	< 10	10-15	16-25	>26
	SOFA	< 8	9-12	13-16	>17
Асосий гуруҳ (n=144)		12 (8,3%)	98 (68,0%)	25 (17,4%)	9 (6,2%)
Таққослаш гуруҳи (n=132)		21 (15,9%)	88 (66,7%)	19 (14,4%)	4 (3,0%)
Жами (n=276)		33 (11,9%)	186 (67,4%)	44 (15,9%)	13 (4,7%)

Беморларни операциядан олдинги текширув кўрсаткичлари 2-жадвалларда келтирилган. Иккала гуруҳ ҳам ҳолатнинг оғирлиги ва перитонитнинг оғирлиги бўйича таққосланди.

**2-жадвал.**

**Перитонитнинг Мангейм индекси (ПМИ) бўйича тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни операциядан олдинги текширув кўрсаткичлари**

Тадқиқот гуруҳлари	Баллар		
	< 21	21-29	>29
	I даража	II даража	III даража
Асосий гуруҳ (n=144)	49 (34,0%)	61 (42,4%)	34 (23,6%)
Таққослаш гуруҳи (n=132)	63 (47,7%)	47 (35,6%)	22 (16,7%)
Жами (n=276)	112 (40,6%)	108 (39,1%)	56 (20,3%)

Микдорий кўрсаткичларни батафсил тавсифлаш учун биз ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларни тизимли яллиғланиш жавоби синдроми (ингл.: systemic inflammatory response syndrome (SIRS)) даражасига кўра қорин бўшлиғи сепсисининг кўринишлари бўйича тақсимладик:

SIRS - 0 сепсис йўқ;

SIRS - аъзолар дисфункциясиз абдоминал сепсис;

SIRS - 1 - моноорган дисфункцияси билан қорин бўшлиғи сепсиси;

SIRS - 2 - абдоминал сепсис полиорган дисфункцияси билан.

Абдоминал сепсис фақат 33 (11,9%) беморда кузатилмади. Аъзолар дисфункциясиз абдоминал сепсис 127 (46,0%), моноорган дисфункцияси

билан - 74 (26,8%), полиорган дисфункцияси билан - 42 (15,2%) беморда аниқланган (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларнинг қорин бўшлиғи сепсисининг оғирлик даражасига кўра тақсимланиши**

Тадқиқот гуруҳлари	systemic inflammatory response syndrome (SIRS)			
	сепсис мавжуд эмас	аъзолар дисфункциясиз абдоминал сепсис	моноорган дисфункцияси билан қорин бўшлиғи сепсиси	полиорган дисфункцияси билан қорин бўшлиғи сепсиси
	SIRS-0	SIRS	SIRS-1	SIRS-2
Асосий гуруҳ (n=144)	12 (8,3%)	66 (45,8%)	41 (28,5%)	25 (17,4%)
Таққослаш гуруҳи (n=132)	21 (15,9%)	61 (46,2%)	33 (25,0%)	17 (12,9%)
Жами (n=276)	33 (11,9%)	127 (46,0%)	74 (26,8%)	42 (15,2%)

Тарқалган йирингли перитонит билан оғриган, кузатувда бўлган беморларнинг 117 (42,4%) нафарида организмнинг турли тизимларидан ёндош касалликлар аниқланди, улар касалликнинг кечишини сезиларли даражада оғирлаштирди.

Гипохлорит натрий эритмаси ЭДО-4 электрокимёвий қурилмасида натрий хлориднинг изотоник эритмасини оксидлаш орқали олинди. Эритма таъсирини кучайтириш ва қорин парда атрофи тўқималарида микроциркуляцияни яхшилаш мақсадида эритмани озонлаш ўтказилди.

Гипохлорит натрий эритмаси солинган флакон орқали "УОТА-60-01-Медозон" клиник озонатор қурилмаси ёрдамида озон-кислородли газ аралашмаси барботаж усулида 10 дақиқа давомида ўтказилди, сўнгра флакон маиший совутгичга (6-8°C) жойлаштирилди.

Тарқалган йирингли перитонитни ташхислаш учун беморлар РШТЁИМ Самарқанд филиали шароитида клиник-лаборатор ва биокимёвий қон текширувлари ўтказилди. Гемостаз тизимини ўрганиш учун қуйидагилар аниқланди: қоннинг Ли-Уайт бўйича ивиш вақти, рекалсификация вақти, протромбин вақти, протромбин индекси, тромботест, плазманинг гепаринга толерантлиги, фибриноген концентрацияси, қон қуйқасининг ретраксия вақти ва қоннинг фибринолитик фаоллиги. Қон зардобидидаги мочевина концентрациясини аниқлаш учун диацетилмонооксид усулидан, тўғридан-тўғри билирубин ва умумий оксил даражасини эса унификацияланган Эндрассик-Клеггорн-Гроф усули билан аниқланди. Қон зардобидидаги АСТ ва АЛТ фаоллигини аниқлаш Райтман-Френкел усули билан амалга оширилди, бу динитрофенилгидразиннинг пирозум кислотаси билан бирикмасининг рангини ўзгартиришга асосланган бўлиб, у қайта аминлашда ажралиб чиқади.

Ҳозирги вақтда видеолапароскопия кенг тарқалган перитонит ва унинг сабабларини ташхислашнинг юқори маълумотли усули ҳисобланади. Ўз

кузатувларида 160 нафар беморда диагностик лапароскопия ўтказилди. 140 (87,5%) ҳолатда лапароскопия умумий тарқоқ перитонит ташхисини қўйиш ва конверсияга кўрсатма бериш имконини берди ва фақат 20 (12,5%) ҳолатда диагностик лапароскопия даволаш қўлланмасига айлантирилди.

Кўпинча қорин бўшлиғига такрорий пунксион кириш Hassam (n=9) бўйича «очиқ» лапароскопия усули билан амалга оширилди. Бунинг учун 3 та кузатувда ўрта чизикдан самарали фойдаланилди. Ўрнатилган дренажлар орқали 6 ҳолатда лапароскопия амалга оширилди. Релапароскопияни амалга ошириш учун 8 та кузатувда тўғри троакар киришлардан фойдаланилган ва фақат битта ҳолатда релапароскопия янги троакар кириш орқали амалга оширилган (1-2-расмлар).



а.



б.

*1-расм. Релапароскопия. Янги қўшимча кириш йўли орқали портни ишга тушириш босқичлари*



а.




б.

*2-расм. Лапароскопия. Дренаж трубкаси орқали портни киритиш*


Диссертациянинг учинчи боби **"Ичак тутилиши билан асоратланган қисилган чурраларни жарроҳлик йўли билан даволаш"** деб номланган бўлиб, ГХН эритмалари билан ишлов беришда нормал ва яллиғланган қорин пардасидаги морфологик ўзгаришларни ўрганиш, шунингдек, ушбу антисептик билан қорин бўшлиғини санация қилиш самарадорлигини баҳолаш учун 60 та оқ лаборатория сичқонларида тажриба тадқиқотлари ўтказилди.

Тажриба натижалари шуни аниқ кўрсатдики, 0,01-0,03% концентрациядаги ННГХинг интраперитонеал киритилиши қорин парда

томонидан (3-расм), шу жумладан йирингли яллиғланиш шароитида ҳам сезиларли морфологик ўзгаришларни келтириб чиқармаган. Қорин бўшлиғида 0,06 фоизли ГХН эритмасининг икки соатлик экспозицияси морфологик жиҳатдан тўқималарнинг шиши ва юмшаши, артериал ва веноз гиперемия, строманинг лейкоцитар инфильтрацияси билан намоён бўладиган носпецифик яллиғланиш реакциясининг ривожланиши билан кечди (4-расм).



**3-расм.** 0,03% ли ГХН эритмасининг 2 соатлик экспозициясида қорин парданинг тузилиши Гематоксилин ва эозин билан бўйаш × 200.



**4-расм.** 0,06% ли ГХН эритмаси юборилганда мезотелийнинг морфологик кўриниши Гематоксилин ва эозин билан бўйаш × 250.


Тажриба натижалари ГХН нинг 0,03% концентрациясини қорин бўшлиғи учун хавфсиз деб ҳисоблаш имконини берди ва айнан шу концентрация тажрибаларнинг иккинчи гуруҳида экспериментал перитонитни маҳаллий даволаш самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилди. Бундан ташқари, ушбу тадқиқот доирасида 0,5% диоксидин ва 0,02% фурацилин билан таққослаганда 0,03% ГХН эритмасини интраперитонеал юборишнинг терапевтик фаоллиги таҳлил қилинди. Тажрибалар ҳар иккала жинсдаги 18 дан 20 ёшгача бўлган 40 та оқ лаборатория сичқонларида ўтказилди. Перитонит ҳайвон массасининг 0,04 мл/г ҳисобидан қорин бўшлиғига 30% нажас суспензиясини (НС) юбориш орқали моделлаштирилди. 6-туркумда текширилган сичқонларга перитонит моделлаштирилгандан 30 дақиқа ўтгач, қорин бўшлиғига 1,5 мл 0,03% ГХН, 7-туркумда - 1,5 мл 0,5% диоксид, 8-туркумда - 1,5 мл 0,02% фурацилин юборилди, 5-туркумда (назорат) ҳайвонлар даволанмади. Даволаш самарадорлигининг мезони сифатида перитонеал экссудатнинг морфологик, бактериологик ва биокимёвий кўрсаткичлари, шунингдек, уч кунлик яшовчанлик мезони (УЯМ) ва ўлган ҳайвонларнинг ҳаёт давомийлиги қўлланилди. Бундан ташқари, ушбу даволаш усули таъсирида юзага келадиган яллиғланган қорин бўшлиғидаги морфологик ўзгаришлар ўрганилди.

Тажриба натижалари перитонитни маҳаллий даволашда ГХН нинг юқори терапевтик фаоллигини кўрсатди. 6-туркумда летал натижалар қайд этилмади, 7-туркумда 3 та ҳайвон нобуд бўлди (УЯМ) = 66,7%), 5 ва 8-серияда леталлик 100% ни ташкил этди (УЯМ)=0). 7-сериядаги ўлган ҳайвонларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги (ЎУКД) 44±6 соатни ташкил этди, назоратда эса - 32±4 соатни ташкил этди (4-жадвал).


**Экспериментал перитонитда қорин бўшлиғини гипохлорит натрий  
билан санация қилиш самарадорлиғи**

Тадқиқот серияси	Терапия характери	УЯМ, %	Ўлим даражаси, %	ЎУҚД, соатлар
5 (n=10), назорат	0,9% NaCl	0	100	32±4
6 (n=10)	0,03% ГХН	100	0	-
7 (n=10)	0,5% диоксидин	66,7	33,3	44±6
8 (n=10)	0,02% фурацилин	0	100	39±8

Тажрибадаги ҳайвонларни патологоанатомик текширишда йирингли перитонитнинг кенг тарқалган кўриниши аниқланди. Қорин бўшлиғи фибрин парчалари билан лойқа йирингли экссудат билан тўлдирилган бўлиб, унинг миқдори саккизинчи серияда  $1,4\pm 0,2$  мл, назоратда эса  $1,5\pm 0,4$  мл ни ташкил этди, бу фекал перитонитда фурацилиннинг жуда паст антисептик фаоллигини кўрсатди. Микроскоп орқали текширув ўтказилганда париетал ва виссерал қорин пардалари бириктирувчи тўқима стромасининг шиши ва яллиғланиш инфильтрацияси ҳисобига қалинлашган кўринишга эга бўлди (5, 6-расмлар). Мезотелийнинг баъзи жойлари кўчиб тушган, унинг хужайралари бўртиб чиққандек, дистрофик ўзгаришлар билан намоён бўлган. Қорин парданинг айрим жойларида нейтрофил лейкоцитлар ва макрофаглар кам миқдорда бўлган фибриноз қарашлар мавжуд эди. Венулалар ва артериолалар кенгайган, тўлақонли кўринишга эга, артериолалар деворларига плазматик сингиш қайд этилган. Тажриба натижалари шуни аниқ кўрсатдики, 0,01-0,03% концентрациядаги ННГХинг интраперитонеал киритилиши қорин парда томонидан, шу жумладан йирингли яллиғланиш шароитида ҳам сезиларли морфологик ўзгаришларни келтириб чиқармаган. Қорин бўшлиғида 0,06 фоизли ГХН эритмасининг икки соатлик экспозицияси морфологик жиҳатдан тўқималарнинг шиши ва юмшаши, артериал ва веноз гиперемия, строманинг лейкоцитар инфильтрацияси билан намоён бўладиган носпецифик яллиғланиш реакциясининг ривожланиши билан кечди.



**5-расм.** Экспериментал перитонитда париетал қорин пардасининг морфологик кўриниши. Гематоксилин ва эозин билан бўйиш  $\times 250$ .



**6-расм.** Экспериментал перитонитда виссерал қорин пардасининг морфологик кўриниши. Гематоксилин ва эозин билан бўйиш  $\times 200$ .

Микробларга қарши таъсирини таққослаш учун 0,03% гипохлорит натрий эритмасини 0,02% фурацилин эритмаси ва 0,5% диоксидиннинг эритмаси билан экспериментал перитонитли ҳайвонларда экссудатни микробиологик текширишлар ўтказилди. Антисептиклар нажас суспензияси инъекциясидан 2 соат ўтгач киритилди. Экссудат антисептик киритилгандан кейин 15, 30 ва 60 дақиқада қорин бўшлиғини пункция қилиш йўли билан олинди.


Бунда препаратнинг микробларга қарши фаоллиги диоксидиннинг 0,5% ли эритмаси ва фурацилиннинг 0,02% ли эритмасига нисбатан юқори. Гипохлорит натрийнинг кўрсатилган концентрацияси қорин пардаси томонидан патологик ўзгаришларни чақирмайди ва экспериментал, йирингли перитонит шароитида уларни оғирлаштирмайди. Перитонит фонидида 0,03% ГХН эритмасини қорин бўшлиғига юбориш орқали яллиғланиш реакциясини тўхтатишга ёрдам беради, ҳаёт давомийлигини узайтиради ва экспериментал ҳайвонларнинг яшовчанлигини оширади.

Диссертациянинг **тўртинчи боби «Тарқалган йирингли перитонитни хирургик даволаш жиҳатлари»** деб номланган бўлиб, кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни даволаш мақсадида амалга оширилган янгиликларга бағишланган бўлиб, бу комплекс ёндашувни талаб қиладиган мураккаб ва кўп таркибий қисмли вазифадир. Бу ҳолатда ўлим даражаси ва асоратлар частотасининг юқорилиги билан боғлиқ. Биз кенг тарқалган перитонитни жарроҳлик йўли билан даволашнинг асосий жиҳатларини, операциядан олдинги тайёргарликдан бошлаб, операциядан кейинги олиб бориш ва даволаш натижаларини баҳолашгача кўриб чиқдик.

Таққослаш гуруҳидаги беморларга операциядан олдинги тайёргарликнинг стандарт усуллари қўлланилди. Гемодинамик барқарорлаштириш мақсадида инфузион терапия ўтказилди. Қон айланиш ҳажмини тиклаш, гипотензияни олдини олиш ва коррекциялаш учун кристаллоид ва коллоид эритмалар киритишни талаб қилди. Зарурият бўлганда, артериал босимни ва органларнинг перфузиясини ушлаб туриш учун вазопрессорлар қўлланилди. Артериал босим, юрак қисқаришлари сони, марказий веноз босими даражаси ва диурез доимий равишда кузатиб турилди.

Асосий гуруҳидаги тарқалган перитонит билан оғриган беморларни операциядан олдинги тайёргарлиги табақалаштирилган эди, яъни тизимли яллиғланиш реакцияси (SIRS) даражаси ҳисобга олинди, чунки беморнинг аҳволи оғирлиги ва уни барқарорлаштириш учун зарур чоралар бунга боғлиқ эди. SIRS даражасига кўра, беморнинг ҳолатини барқарорлаштириш ва уни жарроҳлик аралашувига тайёрлаш учун индивидуал ёндашувни талаб қилади. Моноорган ва полиорган дисфункцияси бўлган абдоминал сепсис билан оғриган беморлар учун гипохлорит натрийнинг озонланган эритмаси инфузиясини кўшиш стандарт даволашга кўшимча жиҳат қўшади. Қуйида беморларнинг ҳар бир тоифаси учун операциядан олдинги тайёргарликнинг асосий жиҳатлари келтирилган.

Кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни даволаш натижаларига кириш турининг таъсирини баҳолаш учун барча беморлар учта клиник гуруҳга бўлинган (7-расм):



**7-расм.** Тадқиқотда беморларни тақсимлаш схемаси


- лапароскопик амалиётлар гуруҳи (160 бемор);
- кириш конверсияси гуруҳи (140 нафар бемор), яъни операция лапароскопия билан бошланган, аммо кейинчалик турли сабабларга кўра перитонит манбаини бартараф этиш учун очик аралашув (лапаротомия) талаб қилинган беморлар;
- бирламчи очик амалиётлар гуруҳи (116 бемор).

Конверсия ўтказган беморларни алоҳида гуруҳга ажратиш лапароскопик аралашувни тўхтатишга ёрдам берган сабабларни аниқлаш ва кейинчалик уларга кўрсатмаларни объективлаштириш учун лапаротомияга ўтиш ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш зарурлиги билан боғлиқ. Жарроҳлик аралашуви инфекция манбаини бартараф этиш ва қорин бўшлиғини санация қилишга қаратилган.

